

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

● 120 (2384)

● 1991 ЙИЛ 5 ОКТЯБРЬ

● ШАНБА

● БАҲОСИ 10 ТИИИН.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИДА

Жумҳурият ИИВ ҳайъати-
нинг кечак бўлиб ўтган маж-
лисида жиноятчиларни ва
бедарак йўқолгандарни қиди-
риш ишлари қай ахволда
еканлиги муҳокама этилди.

Умуман олганда, бу борада
ижобий ўзгаришлар бор.
Қидирор ишларини сифат ва
самародорлик жиҳатдан юқо-
ри погонага кўтариш мақсадида
амалий ҳамда ташки-
лий тадбирлар татбиқ этила-
япти. Айни вақтда жиддий
камчиликлар, ишга солинма-
ётган имкониятлар ҳам рўй-
рост кўриниб қолди.

Кейнинг бир ярим йил
ичида тергов ва суддан бў-
йин товлаётганлар, шартлига
хукм қилинган бўлсада, бел-
гиланган иш жойидан рух-
сатсиз кетиб қолаётганлар,
дом-дарақсиз йўқолаётган
фуқаролар сони ўсиб бора-
пти, ҳозир бундайлар 1 минг
800 нафардан ошиб кетди.
Ана шу раҳамнинг ўзиёқ бир
қатор ички ишлар идоралари-
да фаолият бўшаштириб
иборилганидан далолатдир.

Ачинарли томони шундаки,
вилоятлар ИИБлари, ҳатто ИИВ ҳам ўткір мум-
аммо билан жиддий шугул-
ланмаяпти, ҳеч қанақа тегиши
чора кўрilmаяпти.

Ашаддий жиноятчиларни
қидирор ишларига бўлган
муносабат сусайди. Қотил,
йўлтусар, босқинчи ва қар-
оқчиларнинг утчадан бир
нафари, ўғриларнинг тўртта-
дан бир нафари, маҳсус ком-
мандатура назоратидан яши-
рингандарнинг бештадан бир
нафари қидириб топшилмаяп-
ти.

Ўтган йиллар давомида
мингдан ортиқ бедарак йўқол-
гандар тақдире не кечди —
аниқланмади. Жиноятчи
«иссиги» да очиш борасидаги
ҳаракатлар ҳам юқори маҳо-
рат билан олиб борилаяпти
деб бўлмайди.

Қорақалпостон жум-
ҳуриятини, Бухоро, Жиз-
зах, Тошкент ва Самар-
қанд вилоятлари ички ишлар
идораларининг маҳсус ком-
мандатуралирида тартиб-
интизом ўз ҳолига ташлаб
қўйилган, шу боис ана шу
муассасаларда жазо мудда-
тини ўтаётганлар ўзларича
иш жойларини ташлаб кет-
моқдалар.

Мажлисда ички ишлар идо-
ралари томонидан паспорт
режими талаబлари қониқар-
сиз аддо этилаётганини ало-
ҳида таъкидланди. Шунинг
учун кўплаб дайдилар, шу-
нингдек, қидирилаётган жи-
ноятчилар шаҳарларда ва
бошқа аҳоли пунктларида
узоқ вақтгача қайдис (про-
пискасиз) яшамоқдалар.
Улар шу тариқа ҳуқуқ-тарти-
бот органларидан осонгина
яширинмоқдалар ва таасусу-
ки, тез-тез янги қонунбузар-
ликларга, ҳатто янада ваҳ-
шиёна жиноятларга қўл ур-
моқдалар.

Бедарак йўқолгандар ҳа-
қида тушган хабар ва ариза-
ларни кўриб чиқиш чорига
ҳамон расмийчилик, санса-
лорлик қилинаётган ҳоллар
учраб турибди. Баъзи мили-
ция ходимлари эса ариза кел-
тирган одамларга нисбатан
қўйол муносабатда бўлиши-

моқда, қидирор ишларининг
бориши тўғрисида бедарак
йўқолгандарнинг яқин қарин-
дошларини хабардор қилма-
яптилар. Ички ишлар вазирлиги
ва бошқа юқори ташки-
лотларга қидирор ишларидан
норозилик билдирилган иккى
юздан кўйи шикоят ва ариза-
лар тушган. Бундай шикоят
ва аризалар, асосан Қорақал-
постон жумҳуриятини, Ан-
дикон, Бухоро, Самар-
қанд ва Наманганд ви-
лоятларидан кельмоқда. Яна
хулоса чиқариш мумкинки.
Тошкент шаҳар ижроия қў-
митаси ички ишлар бошқар-
маси ходимлари ҳам бу борада
мавжуд имкониятлар даража-
сида иш олиб бормаяптилар.

Ҳайъат «Резервдаги кадр-
лар ҳисобига Ўзбекистон
жумҳурияти ички ишлар
идоралари профессионал яд-
росини шакллантиришининг
бориши ва уни янада яхши-
лаш чоралари» ҳақидаги ма-
салани кўриб чиқди.

Жумҳурият ички ишлар
идораларида айрим таркибий
ўзгаришлар билан бир қатор-
да кадрларни янгилаш борада
сезиларли ўзгаришларга қўй-
урilmоқда. Шу муносабат билан ИИБ раҳ-
барлари барча хизматларни
ишбильармон ходимлар ҳис-
обига мустаҳкамлашга, уларни
ҳам моддий, ҳам маънавий
рагбатлантисириш асноси-
да амалий интизомни кучай-
тиришга ҳафса билан қа-
рамоқдалар. Жойларда рез-
ервдаги кадрлар ҳисобига
шахсий таркиби ишбильар-
мон, маҳсулдор ходимлар билан
бийнинг ўзгаришга бўлган ҳара-
кат тобора кучаймоқда. Ян-
ги ходимларни хизматга
жалб этиш; ўз билим ва ма-
ҳоратини кўрсатгандарни
раҳбарлик лавозимларига кў-
тариш, навбатдаги узвонни
бериш ва ниҳоят, ички ишлар
соҳасидаги хизматдан озод
қилиш борасида диққатга
саҳовор ҳаракатлар бўла-
япти.

Шу билан бир қаторда
кадрлар қўнимизлиги жиддий
муаммо бўлиб қолаяпти.
Бу ҳолнинг сабабини мили-
ция обрў-эътиборининг ласа-
йиши, социал муаммоларнинг
ўз вақтида ҳал этилмаслиги,
моддий таъминланишининг
етарли даражада эмаслиги,
тайёргарлик дарражасининг
пастлиги ва тарбиянинг қо-
ниқарли эмаслигидан қиди-
риш даркор. Ана шу сабаб-
лар кўплаб ходимларнинг
ички ишлар идораларидан
бўшаб кетишларига замин
яратмоқда.

Шахсий таркиб билан тар-
биявий ишлар олиб бориш
соҳасида камчиликлар бор.
Кўп ҳолларда раҳбарлар то-
монидан доимий равишда хо-
димларга ғамхўрлик кўрса-
тилмайди. Бу эса, табиийки,
уларнинг фаолиятида тартиб-
интизомни тубдан яхшилаш
имконини бермайди.

Ҳайъат мажлисида ана
шундай иш услубига нуқта
қўйиш, иложи борича ходим-
ларга ғамхўрлик кўрсатиш,
уларнинг саломатлигини муста-
ҳкамлаш ҳамда маданий
ҳорди чиқаришларини таъ-
минлаш мақсадида аниқ ҷо-
ралар кўрилиши зарурлиги
алоҳида таъкидланди.



УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҲАРШИ

Хоҳлаймизми-йўқми,
уюшган жиноятчилик бор-
ган сари ривожланиб, унинг
усул ва услублари такомил-
лашиб борајпти, — дейди
мазкур бошқарма бошлиги
милиция подпелковниги Тў-
ра Ҳолматов. — Бузгучи-
лик билан шуғулланаётган
гуруҳлар аллақачон жамия-
тимизнинг барча соҳаларига
кириб «ин» қурган. Шу бо-
ис нафси бало аждаҳо —
жуфёна иқтисод тобора ўсиб
борајпти. Унинг «ижодкор-
лари» катта маблагнинг
бир қисмими жиноий ҳа-
ракатларни ниқоблаш йўли-
да сарф этишмоқда.

Бу ўринда шуни айтиш
керакки, биргина рэкетни
йўқотиш билангиша юрт-
дошларимизни вахимага со-
лаётган муаммони барта-
раф этиб бўлмайди.

Тажриба шуни кўшига
тизимизни шажараси
ҳақида гапирадиган бўл-
сан, жумҳуриятимизнинг 9
та вилоятида бўлинмалар-
имизни ташкил этишга ул-
гурдик. Энг диққатга са-
зовор тронни — ўзимиз-
нинг тергов аппаратимиз
бор. Бу биздан умуман пулни аяш-
майтганини аҳамиятлидир.

Энди тизимизни шажараси
ҳақида гапирадиган бўл-
сан, жумҳуриятимизнинг 9
та вилоятида бўлинмалар-
имизни ташкил этишга ул-
гурдик. Энг диққатга са-
зовор тронни — ўзимиз-
нинг тергов аппаратимиз
бор. Бу катта аҳамиятга
эга.

Сиз раҳбарлик қилаёт-
ган бошқарма бу боради
нималар қилишга қодир?

Аввало имкониятла-
римиз ҳақида гапирмоқчи-
ман. Шуниси кўнгилга тас-
кин берадики, бизда ма-
лакали ва ишбильармон хо-
димлар етарли. Худди шу-

нингдек, замонавий техни-
ка ва асбоб-анжомлар таъ-
миноти бўйича ҳам ҳеч
қандай эътирозимиз йўқ.
Оператив ходимларимиз
нинг ҳар уч нафаридан би-
рига телефонлаштирилган
автомашиналар ажратган-
миз. Бу ходимларимиз эса
айни пайтда ҳайдовчилик
ва механиклик малакасига
эгадирлар.

Иккинчи томондан бизда
ҳар бир киши иқтидорига
қараб ўз ўрнига қўйилганд. Уларнинг
ихтиёрида энг янги криминал асбоб-ан-
жомлар, Стечкин тўппон-
чалари, ҳамда фаол ҳимоя
воситалари бор. Бу борада
биздан умуман пулни аяш-
майтганини аҳамиятлидир.

Энди тизимизни шажараси
ҳақида гапирадиган бўл-
сан, жумҳуриятимизнинг 9
та вилоятида бўлинмалар-
имизни ташкил этишга ул-
гурдик. Энг диққатга са-
зовор тронни — ўзимиз-
нинг тергов аппаратимиз
бор. Бу катта аҳамиятга
эга.

Ярим йил олдин рӯз-
номамизга интервью бер-
гандингиз энг обрўли аъзола-
ридан бири — «Тайванлик»

ҳозир Германидаги истиқо-
мат қилинти. Бу ерда қол-
ган «ҳамқасблари» эса тез-
тез у ёққа бориб, ўз раҳ-
ноларини зиёрат қилиб ке-
лишапти. Нима учун? Шу-
нинг учунки, улар «Тай-
ванлик» орқали ўз ҳаракат
доираларини кенгайтириш-
моқчи. Бошқача айтганда,
Европага чиқишишо.

Уларга қарши маълумот-
лар айришаш билан чек-
ланниб ҳолмай, бевосита

ўзимиз шуғуллансан кама-
раси кўпроқ бўларди.

(Давоми 2-бетда).

МЕНИНГ ТАКЛИФЛАРИМ

МУШТАРИИ ВАҲСГА
ЧОРЛАЙДИ

Хурматли мұхарририят!

Рӯзноманинг шу йил 10 сен-
тябрь сонида чол этилган «Милиционер нега ҳалок бўл-
дай?» мақолоси мени жуда
қаттиқ изтиробга солди. Ахир,
қачончагча навқирон йигитларни
миз халқ осойишталанинг учун
хизмат қилаётган пайтда қан-
дайдир бир безорилар, ўгри-
лар, муттаҳам-номарлар қў-
лида ҳалок бўладилар! Ке-
йинги вақтда жумҳуриятимиз-
да милиционерларни қасд-
дан ўлдирган, умуман, ми-
лиционерларга тажовуз қил-
ган кимсаларга нисбатан
кўриладиган жазо ҷо-
ралари Конун орқали бир-
мунча кучайтирилди. Лекин
бу ҳам жиноятчи-ҳаромхўр-
лар учун чикора шекилли.

Шу сабабдан мен қўйида
боболаримиз жангу жадал-
ларда ташки өзарни қайта-
рувчи ҳимоя воситаларин-
дан фойдаланишган. Ҳозирги
вақтда ҳам ўшанга ўхаш
кайимлардан фойдалансан бўл-
масмикан! Милиционерларни
мизга енгил металдан тўр-
симон, йигилувчан, белгача
тушиб турувчи ички ҳимоя
кўйлаги яратилса. Ўқ ўтмай-

диган бўлса, яна ҳам яхши бў-
ларди.

Учинчиси бевосита мили-
ция ҳаётига даҳлдор.

Сир эмас, ҳозир ҳам рӯ-
пара келган одамларни иш-
га қабул қилишапти. Де-
моқиманки, милиция сафиға
қабул қилишида инсоннинг
жисмоний ва маънавий томон-
лари қай даражада етук
эканлиги биринчи навбатда
хисоблашади.

Бу мулоҳазаларим, албатта,
ҳаммага ҳам ёқавермаслиги
мумкин. Мен факат милиция
ходимларига жоним ачигани-
дан ушбу фикрларимни баён
этдим, холос. Бошқаларнинг
фикрини ҳам билиши истар-
дим.

Собиржон ОҚБУТАЕВ,
Денов шаҳри.

УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ

(Боши 1-бетда).

— Сизларга нима түсқиник қиляпти?

— Жиноятчи, яна бир бор таъкидлайман, уюшган гурух аъзосининг кўли узун. У чет эл сафариға ҳужжатларини жуда қисқа вақт ичидан расмийлаштириб олади. Кейин эса бемалол жўнаб кетаверади. Биз-чи? Бу ишни амалга ошириш учун анчамунча бироркратия погоналарни битта-биттадан босиб ўтишимизга тўғри келади. Оқибатда оперативлик, яъни вақт қўлдан бой берилади.

— Жумҳурятимизда-чи?

— Нимадан бошлаймиз, хуфёна иқтисодданми?

Тошкентда «Раҳмдиллик» деб аталган хайрия Ассоциацияси кенг кўламда иш олиб бораётган эди. У ҳатто Москва ҳамда Санкт-Петербург шаҳарларида филиалларида эга эди. Ўзбекистон ва Грузиядан фақат пул шили билан шуғулланарди. Қандай қилиб дейсизми? «Мерседес» белгили автомашиналарни харид қилиш жараёндаги даллоллик орқали. Ваҳоланки, «раҳмдил» кишиларнинг көлтирган заарлари 260 миллион сўмни ташкил этиди!

Хозирги вақтда бу «савобталаб»ларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган ҳамда уларнинг жумҳурятда яшаётганлари ҳисбга олинган. Грузия савдо вазири ҳам шу иш бўйича қамоқда ўтирибди. Кўрдингизми, қалаванинг учи кимларга бориб тақалаяпти!

Саъй-ҳаракатларимиз туфайли Ўзбекистонимизга 6 миллион сўм қайтарилди. Агар иқтисодий нуқтаи на зардан қарайдиган бўлсан, ишни тўғри ташкил қилган тақдиримизда сарфланган бир сўм учун юртимиз хазинасига 10 сўмдан қайтаришмиз мумкин.

Ирик чой қадоқлаш фабрикасида 9 кишидан иборат оиласиб тўда пайдо бўлди. Улар амалда ўта камёб маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхонанинг бутун фаолиятини қўлга олганлар. Ана шу тўдани «даромадли» жойдан сиқиб чиқариш учун Тошкентдаги яна бир мафия ҳаракат қилиб кўрди. Уртада ҳаёт-матомат юнага авжига минди. Бу иш 9 нафар шахснинг ўлими билан якунланди.

Кўрдингизми, улар «ўлжа»дан айрилиб қолмаслик учун қандай пасткашликка қўл уришмайди!

Яна бир томони — бу гурухлар партия ва совет орнларига ўранашиб олган собиқ ходимлардан пинҳона мадад олиб турishмаганда, бу даражага бориб етишмасди.

Шу кунларда нима билан шуғулланяцисизлар, деб сўрашиниз мумкин. Табиийки, қўл қовуштириб, бекор юрганимиз йўқ. Андиконлик иккита тўдани — «Мамадалиевлар иши»ни тутгатиш бўйича ишлайтимиз. Бу «тугун»ни ечиш учун кўп ҳаракат қилиш лозим эди. Энг аввало рад этиб бўлмайдиган далиллар тўплайдик. Бу кимсалар Москва ва Нарва шаҳарларидан қотил шахсларни ёллашган. Улар эса бир неча кишиларни нариги дунёга жўнатишган, ана шу хизматлари эвазига катта миқдорда ҳақ олишган. Айни пайтада Тошкент шаҳридаги бир ИИБ ходимига ва унинг ўғлига қасдан тажовуз уюштиришган.

Бу борада ҳозиргача 21 киши қамоққа олинган.

Тергов жараёндаги Нарва шаҳрида яшовчи жиноятчи уйда қурол-аслаҳа омбори мавжудлиги аниқланган. У ерда сақланаётган снарядлар, пулемётлар, Улуғ Ватан уруши даврида яратилган соатли механизмили миналар тортиб олинган.

Умуман олганда 19 марта куч ишлатиб пул олиш, 7 марта қароқчилик ҳужуми, 6 марта қотиллик ва қатор фуқаролар ҳамда мансабдор шахсларга нисбатан қуролли босқинчликлар қилишган. Ана шу жиноятчилардан 33 хил ўқотар қуроллар орасида хорижда тайёрланганлари ҳам, ватанимизда ишлаб чиқарилганлари ҳам бор. Бундан ташкири 1877 дона ўқдорилар, шунингдек, 96 та турили хил гранаталар ва портловчи мосламалар ҳам топилдик, улар билан тўқиз қаватли туарар-жойни таг-туғи билан қўпориб ташлаш мумкин эди.

— Маълумки, Сиз раҳбарлик қилаётган бошқарма шу йил бошидан шаклана бошлади...

— Ҳа, шундай. Амалий иш эса май ойдан бошланди. Январ-март ойлари эса ташкилий давр бўлиб қолди. Ҳозиргача Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия, Эстония, Грузия, Москва ҳудудида фаолият олиб борган 22 та уюшган жиноий гурух фош этилди.

— Бошига миңтақалар билан боғлиқ муаммолар хусусида нималар дейиш мумкин?

— Аввало айтиш кераки, бу соҳада биз томонимиздан илк қадамлар ташланмоқда. Масалан, юртимизда жиноят содир этганлар Кавказга ёки бошига миңтақага қочади. Уларни таъкиб этиш жараёндаги ўзига хос тўсиқлар — хизматлараро келишмовчиликлар, ҳатто амалий ҳаракатлар доирасида ҳам бошбошдоқлик каби қусурлар бор.

Расмий маълумотлар ҳар доим ҳам ҳақиқатга тўғри келавермайди. Айтайлик, милиция томонидан бедарак йўқолган кишига нис-

батан қидибув эълон қилинди. Кўп ҳолатларда эса бу шахс жиноятчилик қурбони бўлган бўлади.

Самарқанддаги уюшган жиноятчиликни очиш жараёнда шундай ҳолат юз берди. 9 киши ўлдирилган. Буни қарангки, уларнинг тўртаси бир йилдан беш йилгача бўлган муддат ичидан дом-дараксиз йўқолгандар қатори қидирилаётган экан.

Икки-уч нафар жиноятчи гурух бошлиқларини қамаган билан жиноятчилик камаяди, деган фикр менинг фикримга зид тушунча. Ўзимиздаги жиноий йўлбошчиларни қўлга олган билан уларнинг ўрнини Кавказ ёки бошига миңтақалардан келаётганлар тўлдиради.

Улар бу ерда қабиҳ ниятларини амалга ошириб, яна қочиб қолишлари мумкин. Агар шу вақтда бизга хабар етиб келса, «темирни қизигида босишимиз», навбатдаги фалокатларнинг олдини олишмиз мумкин. Ана шу томонларни ҳисобга олиб, бизнисига ўхшаган бошқармалар тузилган.

— Бу ўринда қўшимча таклиф ва мулоҳазаларнинг ҳам бўлса керак?

— Иш самарадорлигини ошириш керак. Оперативлик қўламини кенгайтириш шарт. Бироқ биз ҳақимиздаги майд-чўйда гаплар, «Жуда катта мааш олишади» деган шивир-шивирлар асабга тегар экан. Яхши натижаларни қўлга киритиш учун бизга соғлом муддат керак, фаолиятимизни қўллаб-қувватлашлари керак.

Энди мақомимиз ҳақида сұхбат юритсан. Ўзбекистон мустақил жумҳурят деб ўзига қилинди. ИИБ эса унинг иктиёрия тўқазилди. Ана шундай шароитда биз бир чеккада қолиб кетмаслигимиз шарт.

Аммо хизматимиз хусусиятидан ҳамда халқаро тажрибадан келиб қиқдан ҳолда айтаманки, фаолиятимиз мувофиқлаштириш ҳуқуқи Иттифоқ вазирлиги б-бошқармаси иктиёрида қолдирилган маъқул. Негаки айнан ўша ерда жумҳурят, иттифоқ ва халқаро аҳамиятдаги жиноий гурухлар йўлбошчилари тўғрисида маълумотлар жамланаади.

Бу ерда эса жумҳурят ични ишлар вазири тасаруфида бўлишишимиз, унинг кўрсатмалари асосида халқ осойишталигини ҳимоя қилишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

— Сизларда 33-73-49, 39-74-64 ва 54-84-28 рақами «ионч» телефонлари бор...

— Ҳа, яхши эслатдингиз. Бошқармамизга асос солиниши билан бу телефон рақамлари матбуот, радио ва телевидение орқали халқимизга маълум қилинган. Улар эса яратилган бу қулийликдан фойдаланиб, керак бўлганда ўзларини жиноятчилардан ҳимоя қилишимизни сўраб, мурожаат этишимокда. Бунга кўплаб мисол кельтириш мумкин.

Март ойда ҳуқуқ-тартибот идорасининг масъул лавозимли ходимидан бир неча минг сўм пора талаб қилишганини эшитдик. Натижада таъмагир ушланиб, унга нисбатан қўзгатилган жиноий ташкиридан бир неча минг сўм пора талаб қилирди.

Июль ойда эса Тошкент шаҳри фуқароси Болтабовев биздан ёрдам сўради. Маълум бўлишича, бир гурух ҳафли кимсалар унинг ба оила аъзолари-нинг ҳаётига даҳшат солиб, 4 минг сўм ундиromoқчи бўлишган. Зудлик билан оператив-тергов тадбирларини ўтказдик. Бу ишмиз ҳам муваффақиятли якун топди. Жиноий гурухнинг барча аъзолари заарсизлантирилди ва бу иш ҳам халқ судига ҳавола этилди.

Суҳбатдош К. СЕРГЕЕВ.

БИРЛАШГАН ЎЗАДИ

Мухбиришим Тошкент шаҳридаги Октябрь тумани ИИБ катта участка вакили милиция майори, жумҳурятда хизмат кўрсатган участка инспектори Иброҳим ака Рустамов билан учишининг бой тажрибалари ҳақида сўзбатлаши.

— Иброҳим ака, сиз ўз хаётингизни оғир ва серма-шаққат касб — милиция фаолияти билан боғлаган-сиз. Айтингчи, биринчи ишни қаерда ва ким бўлиб бошлагансиз?

— Мени 1971 йилнинг январь ойида Октябрь тумани ИИБда оддий участка вакили этиб тайинлашди. Ушанда 25 ёшларда эдим. Худудимда 8 минг аҳоли бор эди. Менга асосан «Чақар», «Камолон» деб номланган маҳаллалар қарди.

Биринчи устозим милиция майори Шарифжон Комилов 1983 йили нафар қага кетгач, унинг сўзида амал қилиб, дастлабки ишни паспорт кўригини ўтказишидан, аҳоли билан яқиндан танишишдан бошладим.

Чунки, паспорт кўриги жараёндаги муқаддам судланганиларни, оиласда жанжал қиқарувчиларни, муқаддам судланмаган, лекин жиноят содир этишига мойил шахсларни, гиёҳвандларни ҳамда паспорт режимини бузувчиларни, шунингдек, бошича жиноятлар содир этиши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш мумкин.

Амала оширилган ана шундай тадбирлар натижасида ўзимга алоҳида дартарча қилиб, бундай шахслар рўйхатини туздим. Кейинчалик эса бу «қора» рўйхатда қайд этилганлар билан алоҳида профилак-

тик ишлар олиб бордим, шахсан сұхбатлашдим. Уларни ҳар доим назоратдан қочирмадим. Натижада участка жиноятчилик кескин камайди, тахминан аввалги йилларга нисбатан ҳар йили 30-40 тага жиноят даражаси тушиб борди.

Сўнгра мени ИИБ раҳбарлари туманинг энг оғир участкаларидан бури ҳисобланган Бешёғоч даҳасига ўтказишиди. Олмазор маҳалласи, халқ ҳўжалиги олий-билимгоҳи (ётоқхонада 4 минг талаба истиқомат қилиди). «Кооператор» ресторани — жами аҳолиси 10 минг атрофида бўлган жойда жамоат тартибини мустаҳкамлаш зарур эди.

Маълум бўлишича, Олмазор кўчасида шаҳар чўнтақ-кесарлари ҳар куни йигилишар, кунора жанжал кўтарилиб, киссавурлар ўзаро талашиб, бир-бирига ҳатто пичоқ уришар экан. Бир ҳафта давомида уларни мунтазам равишда кузатдим. Ҳар бирни билан сұхбатлашдим. Олиб борилган профилактика ишлар натижасида бундай йиғилишлари чек қўйилди. Шундай қилиб дессангиз, ана шу жанжалнинг уясига барҳам берилди.

Уч йилдан сўнг мени яна да мураккаброқ участкага — «Марказ-15» даҳасига ишга тайинлашди. Бу ердаги фаолиятимни жамоатчи-



диради», деган. Бу ҳикмат бекорга айтилмаган. Агар милиция ходимлари кенг жамоатчилик билан иш олиб борсалар, кўзланган мақсадга эришишлари мумкин. Мен доимо ана шунга амал қилиб келдим, бундан ташкири 4-5 кишидан иборат соқчилик постлари ташкил этилган. Улар ён-атрофда юрган шубҳали

— Албатта, бизнинг соҳамизда ҳар бир унвонга эга бўлиш осон эмас, ўзига яратса машақатлари бор. Уни қарийб 20 йил бир соҳада, бир жойда хизматим эвазига берилган, деб ўйлайман. Чунки қайси участкада ишламай, қаерда бўлмай, халқ эътиборини қозонишга ҳаракат қилдим. Хизматларим давомида жиноятчиликнинг

олдини олишга ва жамоат тартибини мустаҳкамлашта интилдим. Яна бир нарсани айтиб ўтиши лозим деб ўйлайман. У ҳам бўлса, мен хизматларимни юзага чиқарган бу халқ, кўпчилик бўлди. Шунинг учун ҳам кўпчиликнинг ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтишим зарур. Жиноятчиликнинг олдини олиш фақаттана милиция ходимининг вазифаси бўлибгина қолмай, ҳар бир фуқаронинг бурчи, вазифаси эканлигини уларга тушунтириб, ўртоқлик судлари ишини ривожлантиришга ҳаракат қилдим, жамоатчиликларни ишига катта масъулият билан қарадим. Бу бесамар кетмаяпти. Масалан, мен ҳозирги кунда ишлаб турган «Илгор», «Қўкча», «Литвинов», «Қизил Шарқ» ва «Янги шаҳар» маҳаллаларида жиноятларнинг содир этилиши кескин камайди.

Участка вакили — шафарли, фахрли касб. Уни авайлаб-асраш ва қадрлай билиш, ҳалол, соғ вижондонли, меҳнатсевар бўлиш лозим. Бундан ташкири бу касбдаги хизматчиликлар қаерда, қаочон жиноят сод

«...Утган йилнинг 3 сентябрь куни 7-шифохонада даволана-ётган ўргоми Фахриддинни кўриб чиқаётгандим. Соат тах-минан 19 лардан ўтганди.

Янги қурилаётган бинодан бир яланғоч йигит югуриб чиқ-диди, водопроводдан тушаётган сувга жон ҳолатда ўзини урди.

«Устимдан кислота қўйиб юбориши, ёрдам беринглар!» — деб додларди. Бир зумда тумонат одам йигилди. Кўп ўт-май «Тез ёрдам» машинаси келди, уни олиб кетди...»

Гувоҳ А. Одиловнинг суддаги кўрсатмасидан.

Отасининг гапларига қа-раганда, Ибодулла ҳарбий хизматдан тўнини тескари кийиб қайти. Анча жаҳлдор бўлиб қолтанди. Унча-мун-ча гап-сўзларни ҳазм қи-лолмас, умуман сиркаси сув кўтартмасди.

Ота ўйлай-ўйлай уни ўзи ишлаетган «Миконд» заво-дига ишга жойлади. Зора тенгдошлири билан бирга бўлиб, одатини ташласа, деб умид қилди.

Ибодулла кўп ишламади. Иссик жон эмасми, июль ойнага келганди, тўсатдан тоби қочди. Уни Улуг Ва-тан уруши ногиронлари да-воланадиган шифохонага жойлаши.

Энди уни ҳеч ким терга-майди. Бошлиқлари иш бу-юришмайди. Хоҳласа ухлаб, ором олади, хоҳламаса...

Ана шундай кунларнинг бирда унинг миясига «ажо-йиб» фикр келди. Бу фикрни ҳозирча муҳлисларимиз-дан сир тутамиз.

Хуллас, Ибодулла ўзи билан тенгдош, аниқроги 1969 йилда туғилган Алишер Аҳмадбоев билан «дўстлаша бошлади». Бир неча кун давомида овқатланишига ҳам бирга чиқиши, сайр қилгани ҳам. Соатлаб сирлашадиган бўлиб қолиши.

Тўғрисини айтганда, Алишер ҳам шундай ажойиб дўст топиб олганидан мам-нун эди. Ҳатто улар шифо-хонадан чиққанларидан кейин ҳам ўртоқчиликни узиб қўймаслик ҳақида аҳдлаш-дилар.

— Менга қара, Алишер, — деди бир куни Ибодулла. — Тухум босган товуқ-ка ўхшаб бир жойда ётаве-рамизми?

— Хўш, нима қилайлик унда?

— Дўхтиларга билди-май кўчага чиқиб кетамиз, иш бор!

— Гап бўлиши мумкин эмас, кетдик.

Ибодулла дўстини тўғри ўзи ишлаган «Миконд» за-води томон-бошлади. Иўл-йўлакай унинг қулогига баъзи нарсаларни қўйиб борди. Тўғрида, ёшлари 22да бўлса, қачонгача ота-берадиган чойчағага яшаш мумкин? Нима, ўзла-рининг қўлларидан пул топиш келмайдими? Кела-ди, албатт. Фақат каллани озигина ишлатилса, бас.

— Сен шу ерда кутиб тур!

Ибодулла шундай дея корхона ёнида Алишерни қўлдириб, ўзи ичкарига ки-риб кетди. Бир оз вақт ўт-гач, қозогза ўроғлик нар-саларни кўтариб чиқди. Чеккароққа ўтиб, биттаси-ни очиб кўрсатди.

— Э, қойил, — деди Алишер қуёш нурида жилва-ланяётган биллур идишлар-

сўм керак бўлиб турибида...

Шундай қилиб, Алишер дўстининг раъиiga қарши боришини ўзига эп кўрмади. «Пул қўлнинг кири. Йўқ, десам, ранжийди. Яхшиси, қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам, келтириб бераман. Режа амалга ошгандан кейин қарздан қутиламан-қўяман.

лай супуриб ташлаш мумкин ва шундай қилиш керак.

Ўтириб режа туша бошлади. Ўзи бир вақтлар ишлага «Миконд» заводида олтингурут кислотаси бор. Бир томчиси мабодо баданга томгудек бўлса, чора йўқ. Тобора кўйдириб бораверади. Агар кўпроғи одамнинг устига қўйиб юборилса борми,

лари, синиқ ғиши парчалари, темир-терсаклар, хуллас, минг хил майд-чўйдалар билан тўла.

Ичкаридаги катта хона эса нимиронги. Улар шу ерда тўхтагди.

Идишдаги кислотани че-лаки қўшиши.

— Алишер, сен ертўлага тусиб, асосий қувурни ки-риб чиқкин, кейин чеклакни олиб тушамиз, — деди Ибодулла.

Алишер яна соддалигига борди. Итоаткорлик билан пиллапояни бир-бир босиб, пастга туша бошлади.

Ибодулла эса кечалари мижжа қоқмай тузган режаси-ни амалга оширадиган пайт келганини сезиб, чеклакни қў-лига олди.

— Алишер! — деб ча-кириди.

Бечора Алишер ҳеч нар-садан бехабар тепага қара-ши билан чеклакни ағдариб юборди.

Унинг «Аҳ!» деган юракни зирқратувчи нолакор овозини эшиди, гира-шира-да юзларни титроқ қўллари билан чанглаб қолганини кўрди.

«Бўлди!» — деди титраб-қақшаб ва шошилиб ташқа-рига йўл олди.

«...У ёқдан Ибодулланинг бир ўзи чиқиб келди. Ундан ўртоғимни сўрадим. «Ичкарида кутиб ўтириди. Сен билан гириллаб заводга бориб келамиз. Иш чиқиб қолди!» — деди ҳовлиқиб.

Машинани ўт олдириб, яна орқага — «Миконд» заво-дига қараб кетдик. Етиб бор-гач, иккавимиз ҳам ичкари-га кирдик. Менга иккя яшни тутқазиб, «Ташқа-рига олиб чиқавер!» — деди.

Ўйлаб қарасам, бу мени қўлга тушириш учун қи-линган найранг экан. Дарров қоровул тутиб олди. Очиб кўрса, мен кўтарган яшиларда синиқ шиша парчалари бор экан. Барибир но-мим ўргига чиқди. Қўнғироқ қилиб, мени Собир Раҳимов тумани милицияси топши-риб юбориши.

У ердан қайтиб келгач, ўша куни у ўртоғимнинг устидан кислота қўйиб юборганини эшидим».

Гувоҳ З. Риҳсибоевнинг суддаги кўрсатмасидан.

Бечора Алишер пулга куй-гани етмагандек, кислотага ҳам кўди. Оз эмас, кўп эмас — тўлиқ бир ой Тош-кент давлат тибиёт олий билимгоҳи шифохонасидаги куйгандарни даволаш мар-казида азоб чекди.

Иўқ, шифокорлар унинг дардига маҳкам қўйишига, ёш умрининг ҳазон бўлмас-лигига кўп ҳаракат қилиши. Қўлларидан нимаики келса, ҳаммасини қўллаб қў-риши.

Афсус, фойдаси бўлмади. 8 октябрь куни бу дард-азоблардан буткул қутилди. Мангу ўйкуга кетди...

Мана, суд давом этагити. Бу ерда ўтирганларнинг юраги муз қотган. Ўқти-ўқтини қора курсида ўтирган вахшийга беадад разаб билан қараб қўйишиади.

Ниҳоят, судланувчига сўз берилди.

— Ҳозир менинг тақди-римни тўғри муҳокама қиль-маясизлар, — деди у иккичи «қобилият»ини ишга солиб. — Тўғри, Алишер-нинг ўлмида қисман айб-дорман. Лекин бутунлай эмас.

У атрофга олазарак кўз ташлаб олдида, муқаррар жазодан қутилиш учун мия-сида пишишиб қўйган «баҳо-на»ларини тилига чиқара-верди.

— Алишер билан госпи-талда танишганим рост. У орқали Зухрилла Риҳси-боев билан ҳам танишдим. Бир куни улар худди пач-килашандек ёшимни сўраши. Уртамида низо чиқди.

Рустам АКБАРОВ,
Маҳкам ҲАКИМОВ.

(Давоми келгуси сонда).



КУЙГАН ВУЖУД САРЁАИ

ни қўриб. — Жудаям иш-бильармонсанда!

— Боя сенга нима де-гандан, оғайнчалиш, кал-ланни ишлатиш керак, кал-ланни!

Ишнинг қолганини ҳам Ибодулланинг ўзи уддалди. Ўғирланган буюмларни арzon-горовга сотиб юборди. Кейин Алишерга ўттиз сўм узатди.

— Мана бу сенга тегиши-ли!

— Қўйсанг-чи, нима ке-раги бор?

— Ол дегандан кейин олавергидан! Бу пул экан, сенек дўстимдан жонимни ҳам аямайман.

Ана шу воқеа сабаб бўлдию Алишернинг Ибодулла тўғрисидаги тасаввурни яна-да мустаҳкамлани. У аввало ишбильармон, сўзамол йигит, қолверса, саҳий, қўли очиқ. Бундай одам билан дўстлашсанг, фақат фойда кўрасан!

Бизнингча, Алишернинг адамиши шундан бошланган. Аввало у дўстлик шу арзимагати 30 сўм билан ўлчамаслигини тушуниб етмади. Бу ҳам майли, ҳатто «дўсти» унга пешона тери эвазига топилган пулни эмас, ўғирлик асосида қўлга кирилган пулни тут-қазганига ҳам парво қилмади. Эҳтимол, бу жами-ятимиз фожеасидир. Эҳтимол, бу биз яшаштган мұхитдаги нючөнч тарбиянинг аччиқ мевасидир.

— Менга, қара, Алишер! — деди бир куни яна Ибодулла. — Заводдан катта партиядаги биллур идишларни гаплашиб-келишиб қўйдим. Агар бу режамиз амалга ошса, тушган фой-дани иккига бўламиз. Теп-па-теп қиламиз. Кўриб-санки, бир неча йиллар бой-вачча бўлиб юриш мумкин. Фақат...

— Нима фақат? Тортин-ма!

— Ўзимда 2 ярим минг сўм бор, яна 3 минг 850

— Нима қилардик, одам-гарчилик шунчалик бўлади-да. Шартта ёқасидан ола-миз, қани пулингни қайтар-масин-чи!

Иккя ўртоқ биргаликда фиригарнинг уйига кўп марталаб бўзчининг моки-сидею югуриши. Андиши-ни бир четта суриб қўйиб, пулни қайtarishi талаб қила бошлаши.

Алишер ва Ибодулла ич-карига кетишиди. Орадан кўп ўтмай шахси номаълум ки-шидан 20 литрлик идишда кислота, бўш челак ва рези-на қўлқоп олиб чиқиши.

«Улар қайтиб чиқиши-гач, Ибодулла менга: «Бир жой-да янги обьект курилашти. Уни тўхтатиб қўйишидан бош-лигимиз манфаатдор. Мана шу кислотани ўша ёққа олиб бориб, ертўладаги қувур-лардан бирига қўйиб юбор-сак, бўлди! Бошлиқнинг бир ярим минг сўмлик мукофо-тига сазовор бўламиз», — деди.

Кейин машинани Акмал Икромов туманидаги 7-ши-фохонага қараб ҳайдадим. Ибодулла йўл кўрсатди. У шифохона ҳудудида янги бино қурилаётганини олдиндан билар экан.

Етиб боргач, биз машина-да қолдик. У эса ҳали бит-маган ўша бинога кириб кетди. Анча ҳаяллаб чиқдида, Алишерга бояги кислотали идиши, бўш челакни ҳамда резина қўлқопни кўтариб олишини буюрди. Иккялон яна кириб кетишиди...

Гувоҳ З. Риҳсибоевнинг суддаги кўрсатмасидан.

Шундай қилиб, улар обьектга кириб бориши. Ер-курувчиларнинг иш анжом-

лай супуриб ташлаш мумкин ва шундай қилиш керак.

Ўтириб режа туша бошлади. Ўзи бир вақтлар ишлага «Миконд» заводида олтингурут кислотаси бор.

Бир томчиси мабодо баданга томгудек бўлса, чора йўқ. Тобора кўйдириб бораверади. Агар кўпроғи одамнинг устига қўйиб юборилса борми,

лари, синиқ ғиши парчалари, темир-терсаклар, хуллас, минг хил майд-чўйдалар билан тўла.

Ичкаридаги катта хона эса нимиронги. Улар шу ерда тўхтагди.

Идишдаги кислотани че-лаки қўшиши.

— Алишер, сен ертўлага тусиб, асосий қувурни ки-риб чиқкин, кейин чеклакни ағдариб юборди.

Алишер яна содд

АКС-САДО

Мен «Постда» саҳифаси-
да чоп этилган «Масхаба-
рабозлиқ» луқмасини ўқиб
чиқдим. Ба ўз фикримни
бидирмоқчиман. Негаки,
«Чархпалак» ёки «Бахти-
дан кўр!» кўрсатувига му-
носабат билдириш ўз хал-
қини маърифатли, етук, би-
лимли кўришин орзу қил-
ган ҳар бир кишининг
бурчи деб ҳисоблайман.

Кундалик ҳаётимиздаги
воқеаларни катта-кичик, асо-
сий-иккинчи даражали қи-
либ бўламиш. Аслида шулар-
нинг ҳаммаси ҳаётнинг ай-
нан ўзидир. Инсон кўнгли
нозик. Ҳар кимга ҳар хил
нарса ёқади. Масалан, мен
«Чархпалак» ёки «Бахти-

дан кўр!» кўрсатувини сира
ҳазм қилолмайман. Ушбу
луқмани ўқиб, ёзган одам-
га «яша-е», дегим келди.
Негаки, аввало у марказий
телевиденининг «Поле чудес»
кўрсатувидан нусха
олган. Аммо жуда қўпол,
бадиий саёз, ғализликлари
билан тубдан фарқ қиласди.

Халқимиз дунёкарашини
кенгайтириш йўлида Узбе-
кистон телевидениеси олиб
бораётган мақтога лойиқ
ишлар анчагина. Аммо бу
кўрсатув уларнинг барини
чишпакка чиқариб юбор-
маяптимикан? Негаки, са-
вollarнинг бачканалиги,
бир мақсадга қаратилмагани,
пайдар-пайлиги...

Масалан, кўрсатувининг
июль сонида бир қизни
мебель гарнитури билан ро-
са оғизнинг суви кетиб таб-
риклиши. «Уингизга маши-
нада олиб бориб берамиз,
турмушда жуда керак бўла-
диган буюм», деб роса гап-
ни чўзиб, оғасидан ўйинчоқ
шкафни бериши. Одамни
ўсал қилиш ҳам эви биланда.
Қиз бечоранинг аҳволи-
ни кўриб, нағсониятим-
га дарз кетди.

Қайсидаир бир чиқида
иштирокчиларнинг бири (янг-
лишимасам бухоролик) уму-
ман хат-саводи йўқлигини
баралла ошкор этди. Шун-
дай бўлслада болалар «само-
катини» ютди. Бу нима, са-

водизликни тарғиб қилиши-
ми? Наҳотки уларни ойна-
жаҳон орқали кўрсатиш
шарт бўлса? Наҳотки кўрса-
тувни назорат қилиувчи зиё-
ли топилмаса. Эҳтимол,
демократия, ҳар ким эркин
фикр билдириш ҳуқуқига
эга, дерсиз. Тўғри, лекин
миллий гурур, шаън деган
нарсалар борки, авлодла-
римиз бизга ташлаб кетган
бу меросни, айрим ки-
шилар қўлида ўйинчоқ қи-
либ қўймайлик.

Алқисса, мен кўрсатув-
нинг бу тарзда олиб бо-
рилишига мутлақо қарши-
ман.

Бахтиёр ҚОБИЛОВ,
ИИВ кадрлар бошқармаси
ходими ички хизмат майори.

ФАХРИЙЛАРИМIZ

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Агар йўлингиз тушиб, Ура-
боши қишлоғига бориб қолсан-
гиз, ажойиб бир бокқа дуч ке-
ласиз. Унда олхўри, шафтoli,
олма, гилос, ўрик, ҳуллас, ҳар
турли мевали дарахтларни ва
улрага ишлов берадиган за-
маткаш инсонни учратасиз.

Тўйчибой Турғунов 1933 йили
Кува туманининг Социализм
жамоа ҳўжалигидаги Урабоши
қишлоғига туғилди. 13-14 ёшли
хўжаликда ҳисобчи бўлиб, кейинчалик эса ҳайдов-
чилик курсини тутатгач, мута-
хассислиги бўйича ишлади. Лекин
унинг қалбида милиционер-
нерлик ишни ҳавас ўзгача эди.
Ният холис экан, орадан кўп
ўтмай мақсадига эришиди. Кува
тумани ИИБда ўз хизматини
бошлади. Касбига бўлган мұхаббат
унга кўп нарсаларни ўргатди. Ҳаётий тажрибаси
ортди. Хизматининг асосий
қисмини ДАН соҳасида ўтказди.
Т. Турғунов ички ишлар
идораларида йигирма беш йил
ишлади. Умрининг чорак асри
давомида кун ва тунни, иссиқ
ва совуқни, оғир ва енгилни
фарқламай яшади. Ҳалқ деб,
юрт деб ишлади. Пешонадан
тер сидириб ишлади.

Машақатта ўрганган одам
машақатдан қўрқмас экан.
Мехнатда суги қотган Тўйчи-
бой ота пенсияга чиқиб ҳам
тинчимади. Жамоа ҳўжалиги
расидан ер олди ва пиёз уру-
ғини экиб, ундан юз тоннага ҳо-
сили етиштирди. Кейинги йили
эса катта ниятлар билан қа-
ровсиз иккى гектар ерга мева
кўчатлари қадади. Ҳозир ўша
жойни бир вактлар ташландик
эканлигига сира ҳам ишонмай-
сиз. Отанинг бетиним меҳнат-
лари эвазига қишлоқ аҳли ўз-
ларининг яна бир жаннатмакон
боғига эга бўлдилар.

От изини той босади, деган-
ларидек, Тўйчибой отанинг
зурриёди — милиция капитани
Сонбонжон Турғунов ҳозирги
кунда Кува тумани ИИБда хиз-
мат қилмоқда.

Дарвоқе, Тўйчибой ота ҳам
милиция капитани унвони билан
пенсияга чиққандилар.
Орадан қанча сувлар оқиб
кетди. Мана, ўғил елкасида
ота тақсан юлдузлар порлаб
туриди. Отанинг кўзида эса
фарзанд келтирган кувонч
«юлдузлар».

Тўйчибой ота турмуш ўрто-
ғи Саломатон ая билан кўша
қариш баҳтига мусассар бўлган
инсонлардан. Уларнинг бажа-
риб келган ишларидан ҳам,
ўтказётган ҳаётларидан ҳам
ўнрак олса арзиди. Уларга
соғ-омонлик, бокий умр тилаб
қоламиз.

Мунаффар ТУРҒУНОВА,
Фарзанди ишлати.

СПОРТ СПОРТ

«ДИНАМО» ШАЙЛАНЯПТИ

Наманган вилояти ички
ишлар бошқармаси раҳбарияти
шахсий таркибининг жис-
моний тайёргарлигини ку-
чайтиришига катта ётибор
бермоқда. Бу ерда самбо,
дзю-до, каратэ, қўл жангни
ва бошқа махсус ҳимоя
усулларидан машгулотлар
олиб борилаёт. Шу билан
бирга жисмоний чинқиши-
нинг муҳим омилларидан би-
ри бўлган футбол ҳам тобо-
ра оммавийлашти.

Вилоят футбол мұхлислари
ички ишлар бошқармаси
«Динамо» жамоасини
яхши билишади. «Динамо»
1976 йилги мусобақаларда
энг юқори ўрнини эгаллаб,

вилоят чемпиони бўлган эди.
Шундан сўнг ички ишлар
идораларида футбол сусайиб
кетди.

Мана, орадан ўн беш йил
ўтгачгина қайтадан футболни
ривожлантиришга кири-
шилди. Келаси йилдан баш-
лаб вилоят биринчилигини
ўтказиш учун ҳозирлик кў-
рилаёт.

Ҳозир саралаш ўйинлари
бўлиб ўтмоқда. Мусобақада
ички ишлар бошқармаси
«Динамо» жамоасини
яхши билишади. «Динамо»
1976 йилги мусобақаларда
энг юқори ўрнини эгаллаб,

БИЛАСИЗМИ?

БҮФ ҚОН БОСИМИГА ҚАРШИ


Турли мамлакатларнинг ме-
диклари кўпдан бери қон бо-
сими хасталигини даволашда
ҳаммомдан фойдаланишга ури-
ниб келадиган эдилар. Аммо
ҳаммомда чўмиладиган ки-
ши организмидаги рўй берувчи
жараёнлар табдига яхши маль-
лум бўлмаганинги учун ушбу
усулни клиникалар тажриба-
сида кенг қўлланишга тавсия
этib бўлмас эди.

Берлин физиотерапия клини-

каларидан бирининг врачла-
ри узоқ вақт синчилкаб
олиб борган тажриба ва
тадқиқотлар немис мутахассис-
ларига иссиқ бугхонада чўми-
лиш бошлангич ва ўрта бос-
кич қон босими хасталикли-
нини даволашда аъло дара-
жадаги самаралар келтириши-
ни аниқлаш имконини берди.
Улар ҳаммомда чўмилиш, лў-
киллаб югуриш ва сузин
билан қўшиб олиб борилади-

ган махсус системани ишлаб
чиқдилар. Шу билан бирга ме-
диклар даволаш курси албат-
та тажрибали врачларнинг
жиддий назорати остида олиб
борилиши лозим, деб огоҳлан-
тиридилар.

Кечаси бир стакан иссиқ сут
истеъмол қилинса, одам ўй-
қусида кам безовта бўлади,
қаттиқ үхлади.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лошатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Медиат Қўзиги
Байроқ орденини босмахонаси 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мұхаррир,

мұхаррир ўрнибосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ»)

Орган коллегияи МВД
Республики Узбекистан

26399 нусхада чоп этилди.

ХУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

5. Уй-жой қурилишига про-
центсиз ссуда (қарз) олиш,
қурилиш материаллари би-
лан таъминлаш

1983 йил 17 январдаги
қарорда Улуғ Ватан уруши
ногиронларининг процентсиз
ссуда (қарз) олиш имконияти
кўзда тутилган.

Бунинг тартиби Улуғ Ва-
тан уруши ногиронлари ва
ҳалок бўлган ҳарбий хиз-
матчиликларнинг оиласалари
имтиёзлар низомида кўрса-
тилган. Ушбу ҳужжатнинг
III-бўлим 16-қисмидан қўйи-
даги сўзлар бор: «Шахсий
уй-жой қурилиши учун Улуғ
Ватан уруши ногиронла-
рига З минг сўм қарз (ссуда)
ва уни узиш учун 10

йил муддат берилади. Қарз-
ни узиш уй битказиб бўлин-
гач, 5 йилдан сўнг тўлана-
ди. Маҳаллий қурилиш ма-
териаллари биринчи нав-
батда ажратилиши лозим.

1984 йил 26 июлдаги
иттифоқ ҳукумати қарори
процентсиз қарз (ссуда)ни
богдорчилик уйни
қуришга ва уни ободон-
лаштиришга олиш ҳуқуки
берилган (юқоридаги айтил-
ган шарт билан).

6. Олий ўқув юртларига
конкурсиз қабул қилиниш,
қайта тайёрланиш ва мала-
ка ошириш харажатлари-
нинг тўланиши

Ҳаёний ҳарбий хизматдан
бўшатилган «афғонлар»
олий ва ўрта махсус ўқув
юртларига конкурсдан таш-
қари кириш ҳуқуқига эга.
Кириш имтиҳонларида ижобий баҳо олган
лар биринчи курсга қабул
қилинади. Ўқишининг дара-
жасига қарамай, «афғонлар»
стипендия олиш ҳуқуқига эга.
Ногирон студентлар белгиланган юқори стипен-
дия олишлари лозим.

Ҳунар техника билим юрт-
лари ҳамда касб ўргатувчи
курсларга киришда агар
конкурс бўлса, сиз имтиёз-
ларга эга бўласиз.

Бундан ташқари «афғон-
лар» 1988 йил 1 июлдан
яниг касбни ўрганадиган бўл-
са 100 фоиз тариф ставка-
сини олишади. Қайта тайёр-
ланиш, иккинчи касбни
ўрганиш, малака оширишда
(ишдан бўшатилган ҳолда)
ўтракчаликни оширишади.

Ҳеч кимга сир эмас, транс-
порт ҳаракати билан боғлиқ
бўлган кўнгилсиз ҳодисалар
кўплаб учраб туриди. Бунга
айниқса, ёш болаларнинг назо-
ратсиз қолиши, йўл ҳаракати
қонун-қондаларни биласлик-
лари сабаб бўлаёт. Шунинг
учун ҳам ишни боғчадан бош-
лаган маъқул. Болаларга ёш-
ликдан тушунириб бориши
уларнинг улгайтган чоғларидаги
ҳам эҳтиёткор бўлишга ва тар-
тиб-қондага риоя қилишга
одатлантиради.

Суратда: Тўрақўргон тумани
ДАН назоратчиси милиция

лейтенанти Алишер Қирғизов
2-болалар бочаси тарбияла-
нувларига йўл ҳаракати
қондалари тўғрисида тушуни-
тиради.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ олган
сурат.